Ҳайздан тоза бўлгач, хира ранг ва сарғиш суюқликни ҳайз деб ҳисобламас эдик

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат берган аёллардан бири, Умму Атия разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Ҳайздан тоза бўлгач, хира ранг ва сарғиш суюқликни ҳайз деб ҳисобламас эдик».

[Саҳиҳ] [Абу Довуд ушбу лафз билан ривоят қилган, Бухорий эса («покликдан кейин») қўшимчасисиз ривоят қилган]

Умму Атийя разияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида аёллар ҳайздан тозалангач фарждан чиқадиган хира ёки сариқ суюқликни ҳайз деб ҳисобламасдан намоз ва рўзани тутишни тарк қилмасликларини хабар бердилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/10014